

ОММАВИЙ МАДАНИЯТ ПАЙДО БЎЛИШИ.

Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходми

Холбаева М.

XX аср охирига келиб социализм лагери парчалангач дунё мамлакатлари ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларга бўлинди. Ана шу ривожланган баъзи мамлакатлар ўз миллий мустақиллигини қўлга киритган, янги ривожланиш йўлига кираётган мамлакатларни, жаҳон майдонларини мафкуравий жихатдан бўлиб олишга уринмоқда.

Қашшоқлик, экологик муаммолар, захиралар тақчиллиги, оммавий касалликлар, диний ақидапарастлик ва терроризм XX асрдан XXI асрга мерос бўлиб ўтди. XXI асрга келиб эса хавф-хатарлар рўйхати, айрим кучларнинг уринишлари натижасида, янада кенгайди. Демографик инқироз, миссионерлик, демократия экспорти, оммавий маданият, ғарбона турмуш тарзини тиқиштириш каби хавф-хатарлар пайдо бўлди.

Давлатлар суверенитетини емирувчи бу хавф-хатарларга юзаки қараш, уларни таҳдид манбаи сифатида эътироф этмаслик инсоният бошига яна кўплаб кулфатлар солиши муқаррар. Шунинг учун давлатимиз суверенитетига таҳдид солаётган бундай ҳодисаларнинг мафкуравий пойдеворини ҳосил қилувчи вайронкор ғояларни фош этиш бирламчи вазифага айланди.

Оммавий маданият чуқур ижтимоий ва маданий илдизларга эга. Оммавий маданият пайдо бўлишининг ижтимоий-иқтисодий илдизлари йирик саноат ишлаб чиқаришининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Ижтимоий қадриятларни содда, барча учун тушунарли бўлган тилга кўчириш, оммавий саводхонликнинг ўсиши, китоб нашр қилишнинг вужудга келиши оммавий маданиятнинг ривожланишига таъсир кўрсатган. XX асрда радио, кино, ТВ, видео,

компьютерлар тизимининг пайдо бўлиши натижасида эса оммавий маданият ривожини янги босқичга кўтарилди.

Айтганимиздек, дунёда демократик ва эркинлик, ошкораликни зўр бериб тарғиб қилаётган бузғунчи кучлар инсонлар онгига таъсир кўрсатишнинг турли йўлларида фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Жумладан, “оммавий маданият” мафкуравий таъсирнинг энг хавфли курашларида бирига айланди. Истеъмоличлик кайфияти ўзагини ташкил этган оммавий маданият асл кишилик маданиятига зид, уни поймол этадиган, моҳиятини бузадиган ва охир-оқибат инсонни жон сақлашдан ўзга мақсади бўлмаган жонзот, ҳайвон даражасига туширадиган, халқни эса оломонга айлантирадиган ҳодисадир.

Оммавий маданиятни тарғиб қилаётган кучларга аслида ҳеч қандай маданият ва инсон маънавияти, ахлоқий қоида-ю қадриятларнинг кераги йўқ. Бу ҳаракат уларнинг стратегик режа ва сиёсий мақсадларига эришиш, айрим мамлакатларнинг ер ости ва ер усти бойликларига эга бўлиш, ўз измига солиши учун бу бир восита холос. Барча нарсага эркинлик нуқтаи назаридан қарайдиган оммавий маданиятнинг асосий мақсади одамнинг иродасини сусайтириш ва охир-оқибатда эркинлигидан жудо қилиш, яъни қулга айлантеришдир. “Оммавий маданият” инсон маънавиятини йўқотиш орқали уни бўйсундиришга хизмат қилади. Айрим мутахассислар “оммавий маданият”ни касаллик келтириб чиқарувчи вирусга ўхшатишади. У инсон онгига ўрнашиб олади ва уни емира бошлайди. Емирилиш натижасида эса бутун бир бошли халқнинг маданияти ва қадриятларининг йўқ бўлиб кетиши хавфи вужудга келади.

Барча йирик империялар ва уларга хизмат қилган мафкураларнинг таназзули шуни кўрсатадики, ҳар қандай, маълум вақтда ҳаттоки муваффақиятли кўринган андозавий, барча учун мақбул тартиб ва турмуш тарзини тикиштиришга уринишлар, охир-оқибат, мағлубиятга маҳкум бўлади. Шу нуқтаи назардан, сиёсий ва маданий ҳаётдаги хилма-хил тажовузуларга жавобан ўзини ўзи ҳимоя қилишнинг прогрессив ва реакцион тусдаги кўринишлари консерватизм,

традиционализм, миллатчилик, фундаментализм қиёфасида туғилади. Бу глобаллашувнинг тузоқларидан бўлиб, уларнинг хавфини эътиборга олмаслик мумкин эмас.

Тан олиш керак, дунёнинг талайгина қисми америкача китобларни мутоала қилади, Америка телевидениесини томоша қилади, америкача уст-бош кияди, гамбургер тановвул қилади бу ҳодисани америкалик сиёсатшунос С.Хантингтон “кока-колонизация” деб атайди. Америкача “маданий империализм”га таъриф берар экан, таниқли америкалик тадқиқотчи Р.Стил шундай ёзади: Совет Иттифоқи эмас, Америка Қўшма Штатлари ҳамيشа инқилобий давлат бўлган. Биз оммавий кўнгилхушлик ва ўзидан қониқишга таянадиган маданият яратдик. Маданий хабар-сигналлар Холливуд ва “Макдональдс” орқали бутун дунёга ёйилади—ва улар бошқа жамиятларнинг пойдеворини кўпоради. Оддий истилочилардан фарқли ўлароқ, биз бошқаларни қарам қилиш билан қаноатланмаймиз, балки бизларга тақлид қилишларини қаттиқ туриб талаб қиламиз.

Маълумки, ижтимоий алоқаларнинг глобаллашуви туфайли инсон муайян маданий муҳитдан чиқиб, бошқа маданият андозалари билан танишади, уларга амал қила бошлайди. Бу жараёнда қудрати ва шиддати тобора ортиб бораётган глобал ахборот ва коммуникация тизими, айниқса, катта роль ўйнайди. Оммавий маданият деб ном олаётган истеъмол, хордиқ чиқариш билан боғлиқ кўнгилочар соҳа бутун дунёда тобора яхлит, гомоген табиат касб этмоқда, турли маданият ва цивилизацияларга тегишли жамиятларда унинг қиёфаси кам фарқ қилмоқда.

Ғарб ўзини дунёга тақлид учун андоза сифатида тақлиф этмоқда. Ғарб маданиятини умуминсоний маданият, универсал маданият сифатида жорий этишга уриниш мавжудлигини 2004 йил Берлинда “Европалаштириш, америкалаштириш ва глобаллашув шароитида миллий давлатлар” мавзуидаги илмий анжуманнинг ўтказилгани ҳам тасқидлайди. Бу ҳол глобаллашув

жараёнини маданий империализмнинг янги кўриниши сифатида талқин қилаётган аксил глобалистлар ҳақиқатдан йироқ эмасликларини кўрсатади.

Тўғри ҳозирги даврда Ўзбекистонда, бир томондан, глобаллашув жараёнининг афзалликларидан жумладан, иқтисодиётнинг барча соҳаларини замонавий техника ва технологиялар асосида жиҳозлаш, инвестицияларни кенг жалб этиш, жаҳон бозорига интеграциялашув ва ҳоказо оқилона фойдаланиш, иккинчи томондан, унинг салбий таъсирини дунёнинг етакчи давлатлари ва трансмиллий корпорацияларнинг табиий захираларга эгалик қилишга интилиши, демократияни силжитиш стратегиясининг амалга оширилиши, оммавий маданият намуналарининг кенг тарқалиши, терроризм ва экстремизмнинг глобал тус олиши ва ҳоказо бартараф этиш борасида пишиқ-пухта ўйланган изчил сиёсат олиб борилмоқда”.

Бироқ ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар ҳам етарлидир қолаверса, мафкуравий жараёнлар, мафкуравий курашлар давом этар экан, бу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар мунтазамлик, тадрижийлик касб этиши, кечаю кундуз тўхтамаслиги талаб этилади. Зеро, биргина “оммавий маданият”нинг кўзни ўйнатувчи хуружлари бизнинг миллийлигимиз, ўзлигимиз, маданий-маърифий анъаналаримизга жуда катта ва кейинчалик ўнглаб бўлмас талофат етказиши мумкин. Мазкур таъсир доирасига кириб қолган ёшлар ўзи туғилиб ўсган, унга онабағирлик қилган Ватан, халқ, миллат тақдири билан ўз тақдирини яхлит–бир бутун ҳолда тасаввур қилмайди, юртида ва дунёда кечаётган воқеа-ҳодисаларга даҳлдорлик ҳиссини туймайди, табиатида жамоавий эмас, балки эгоистик, эгоцентристик интилиш-истаклар кучайиб боради.

Фойдаланилган адабиётлар

Расмий адабиёт Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: «Ўзбекистон», 2009. ЎЗБ.1.п Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. — Т.: «Ўзбекистон», 1996. ЎЗБ.1.пр Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор ривожланиш йулида. 6-том. -Т.: «Ўзбекистон»,

1998. ЎЗБ.1.п Каримов И.А. Биз келажакимизни уз кулимиз билан курамиз. 7-том. - Т.: «Узбекистон», 1999. ЎЗБ1Пр Каримов И.А. Демократик ислох.отларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш - мамлакатимиз тараккистнинг асосий мезонидир. 19-т. - Т.: «Узбекистон», 2011. ЎЗБ.1.пр ЎЗБ.1.пр Каримов И.А. Узбекистон буюк келажак сари. - Т.: «Узбекистон», 1998. ЎЗБ.1.пр Каримов И.А. Жаздн инкирозининг окибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация килиш ва тараккий топган давлатлар даражасига кутарилиш сари. 18-т. - Т.: «Узбекистон», 2010. ЎЗБ.1.пр Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Т.: «Маънавият», 2008. ЎЗБ.1.пр Каримов И.А. Узбекистон мустакилликка эришиш остонасида. — Т.: «Узбекистон», 2011. Миллий истиклол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар. - Т.: «Узбекистон», 2001. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури. - Т.: «Узбекистон», 2010. ЎЗБ1Пр Каримов И.А. Бизнинг йулимиз - демократик ислох,отларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом этгириш йулдир. - Т.: «Узбекистон»,